

У- 27 сонли ШАРТНОМА

Тошкент ш.

“ 10 ” 01 2022 й.

Ўзбекистон Стандартлар институти, бундан кейин "ИЖРОЧИ" деб номланади, бир томондан Низом асосида харажатланувчи директор в.б. А.Х.Хамдамов ва бошқа томондан М. Насири асосида иш олиб борувчи, вакили бўлган «Unicon.Uz» ДУК, бундан кейин "БУЮРТМАЧИ", ушбу қуйидаги шартномани тузишди:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "БУЮРТМАЧИ" кўрсатма беради, "ИЖРОЧИ" қуйидагиларни ўз зиммасига олади: ихтисосликлар бўйича "БУЮРТМАЧИ" **“ 2 ”** мутахассиснинг малакасини ошириш: «Синаш ва калибрлаш лабораториялари малакачилигини O‘z DSt ISO/IEC 17025:2019 стандарти асосида баҳолаш»

2022 й.17.01. дан 2022 й. 21.01. гача.

2. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ.

2.1. Қуйидаги хизматларни кўрсатилишида шартнома қиймати:

№	Номи	Ўлч. бир.	Миқдори	Қиймати (сўм)	ҚҚС ставкаси	Умумий қиймати (сўм)
	Малакани ошириш	киши	2	950 000.0	ҚҚС сиз	1 900 000.0
	Жами					1 900 000.0

2.2. Шартноманинг умумий қиймати қуйидагича ташкил топган: **1 900 000.0 (Бир миллион тўққиз юз минг) сўм. ҚҚС сиз** ҳисобланганда (29.12.2017 й.даги ПҚ-3454, 23-банд,(60-63) модда ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.09.1999 й.даги 414-сонли қарори, 3 ва 4-бандлари)

3. ХИЗМАТ ТЎЛОВИ ТАРТИБИ

3.1. Мутахассиснинг малакасини ошириш учун "БУЮРТМАЧИ" шартномани имзолаган кундан бошлаб 15 банк куни ичида хизматлар нарҳини 100% олдиндан тўлашни "ИЖРОЧИ" нинг ҳисоб-китоб ҳисобварағига ўтказиш орқали амалга оширади.

3.2. 100% олдиндан тўлашдан сўнг, шартнома муддати давомида келишилган нарх қайта кўриб чиқилмайди.

3.3. Тингловчилар тест синовлари пайтида ёки имтиҳон топширишда қониқарсиз баҳо олган тақдирда, малака ошириш учун тўланган тўлов қайтарилмайди.

Имтиҳонни қайта топшириш ёки синовдан ўтказиш ўқув курси тугаган кундан бошлаб бир ой ичида амалга оширилади. Бир ой ичида узрли сабабсиз такрорий қабулга келмаган тингловчилар ушбу шартноманинг 3.4-бандга мувофиқ синовдан ўтишга рухсат этилади.

3.4. Бир ойлик муддат тугагандан сўнг, синовдан қайта ўтиш ёки топшириш "БУЮРТМАЧИ" малака ошириш курси нарҳининг 25% миқдорида тўлаганидан кейин амалга оширилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. "БУЮРТМАЧИ" мутахассисларни жадвал бўйича белгиланган муддатларда ажратиш, уларнинг доимий равишда синфда бўлишини таъминлаш ва малака ошириш билан боғлиқ харажатларни тўлаш мажбуриятини олади.

4.2. "ИЖРОЧИ" ўқув дастурига мувофиқ қуйидагиларни ўз зиммасига олади:

- Стандартлар институти биносида маърузалар, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш; дарсларни тугатгандан сўнг, имтиҳонлар, синовлар, курс ишларини топшириш; агар мавжуд бўлса, синовларни ўтказиш; малака ошириш курсини тугатган тингловчиларга, агар улар ижобий баҳога эга бўлса, тегишли гувоҳномалар ёки сертификатлар бериш.

4.3. Интизомни бузган ва узрли сабабларсиз дарс қолдирган тингловчилар, тингловчилар рўйхатидан "БУЮРТМАЧИ" хабарномаси билан муддатидан олдин чиқарилиши мумкин. Бундай ҳолда, тингловчининг малакасини ошириш учун тўланган тўлов қайтарилмайди.

4.4. "ИЖРОЧИ", "БУЮРТМАЧИ" тингловчиларига қўшимча тўлов учун тарқатма материаллар билан таъминлаш ҳуқуқига эга.

5. ФОРС-МАЖОР

5.1. Томонларнинг хошиш ва истакларига зид равишда юзага келиши мумкин бўлган ҳолатлар (табiiй офатлар ва ҳ.к.) туфайли юзага келганлиги сабабли томонларнинг ҳеч бири ушбу битим бўйича мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгар бўлмайди.

6. Алоҳида ўқув шароити.

6.1. Шартномага илова қилинган жадвал шартли ҳисобланади. "БУЮРТМАЧИ" аввал ўқув курсининг бошланиш санаси тўғрисида "ИЖРОЧИ" билан ёзма равишда (хат факс ёки электрон шаклда юборилиши мумкин) келишиши керак.

7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. 3.1-бандда кўрсатилган ушбу шартнома шартлари бузилган тақдирда, шартнома автоматик равишда бекор қилинади.

7.2. Синов пайтида ёки имтиҳонни топширишда коникарсиз баҳо олган тингловчилар учун "ИЖРОЧИ" жавобгар эмас.

7.3. Ушбу келишув бўйича барча баҳсли масалалар музокаралар йўли билан ҳал қилинади ва туманлараро иктисодий суд орқали қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

7.4. Кўрсатилган хизматлар учун тўлов шартларини бузганлиги учун "БУЮРТМАЧИ", "ИЖРОЧИ" га ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов миқдорининг 0,4%, лекин 50% дан кўп бўлмаган муддати ўтган сумма миқдориде жарима тўлайди.

7.5. Малака ошириш шартларини бузганлиги ва ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан асосиз равишда бош тортгани учун "ИЖРОЧИ" мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдориде жарима тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизмат қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Мажбурий тўловни тўламаслик, шартномани бузган шахсни хизмат кўрсатишдан озод қилмайди.

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚОИДАЛАР

8.1 Ушбу шартноманинг тарафлари Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни бузилган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

9. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Ушбу шартнома икки томондан имзолаган пайдан бошлаб кучга киради ва 31.12.2022 йилгача амал қилади.

9.2. Ушбу шартнома 2 нусхада, ҳар бир томон учун биттадан тузилган ва бир хил юридик кучга эга.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

ИЖРОЧИ ТОМОНИДАН

Стандартлар институти

Инд: 100059 Тошкент ш.

Чупонота кўч., 9 «В»

х/р 23402000300100001010

ХККМ «Марказий банк» Бош бошқармаси

Молия вазирлиги Ғазначилиги

МФО 00014 СТИР 201122919

ш/с 400110860262877049400155001

СТИР 306281034 ОКЭД 84112

Тел.: 71 280-50-75, 71 253-85-10

Факс: 71 253-80-81; 71 250-01-05 (бух.)

E-mail: momsms@umail.uz, cpk_niisms@mail.ru

Директор в.б.  А.Х.Хамдамов

М.Ў.

БУЮРТМАЧИ ТОМОНИДАН

(ташкiлот номи)

«UNICON.UZ» DUK
(почта индекси ва манзили)
100187, Toshkent shahar, Mingbuloq, 38
Telefon: 71 208-81-51, 71 208-81-59
H/R 2021 0000 9001 5527 8001
АТ «АЛОҚАБАНК» МФО 00401
STIR 200 898 586 OKED 72190

(Ҳисоб рақами)

М.Ў.

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида» ги қонуни талабларига тўлиқ жавоб беради.

Бош юрисконсулт



